



ЧЕЛЯБИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ

**ONLINE
CONFERENCE**

**"INNOVATIVE
ACHIEVEMENTS
IN SCIENCE 2021"**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ONLINE
CONFERENCE**



ЧЕЛЯБИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ

"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021"



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021"

Part 2

Issue 1

October 2021

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021"

INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021: a collection scientific works of the International scientific conference (10th October, 2021) – Chelyabinsk, Russia : "CESS", 2021. Part 2, Issue 1 – 121 p.

Editorial board:

Martha Merrill, PhD Kent State University, USA

David Pearce, ScD Washington, D.C., USA

Emma Sabzalieva, PhD Toronto, Canada

Languages of publication: русский, english, казакша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference " **INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021**". Which took place in Chelyabinsk on October 10, 2021.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

© "CESS", 2021

© Authors, 2021



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021"

TABLE OF CONTENTS

Якубов Максадхон Султаниязович Тураханов Акром Абдуллахакимович <i>АНАЛИЗ ПОДГОТОВКИ К ВОЕННОЙ СЛУЖБЕ ПРИЗЫВНОЙ МОЛОДЁЖИ</i>	6
В.А.Khaydarov <i>THE EFFECT OF COTTON GROUNDWATER IRRIGATION TECHNOLOGY WITH MINERALIZED WATER ON SOIL SALINIZATION</i>	9
Bazarova Nafisa Asrorjonovna <i>МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУН ТАРТИБИНИ ТО'Г'РИ ТАШКИЛ ETISHNING SAMARADORLIGI</i>	12
Bazarova Nafisa Asrorjonovna <i>МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА MULTIMEDIYALI DASTURNING SAMARADORLIGI.</i>	14
Zuhriddinov Muhriddin Raxmon o'g'li <i>KUZGI BUG'DOYNI YETISHTIRISHNING RESURSTEJAMKOR AGROTEXNALOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING DONNING SIFATIGA TA'SIRI</i>	16
Ergasheva Dilfuza Komiljonovna <i>HARAKATLAR STRATEGIYASIDA YOSHLAR MA'NAVIYATI</i>	24
Polvonova Sohiba Jabborberdiyevna <i>INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARINING AHAMIYATI</i>	27
Mirahmedova Shohida Nusrotilloevna <i>YANGI O'ZBEKISTONDA ISLOHOTLARNI AMALGA OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT-KOMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH</i>	30
Dalimova manzuraxon muxtarovna <i>MURAKKAB OQSILLAR TURLARI</i>	33
Diyorova Adolat Norqobilovna <i>QASHQADARYO VILOYATIDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR HAMDA TA'LIMGA QARATILGAN E'TIBOR</i>	36
Xakimova Irada Xayrullayevna <i>МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ YOSHIDAGI BOLALARNI NUTQINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI</i>	41
Ибрагимова Д.И <i>"ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ" АСАРИДА ПРОФЕТОЛОГИК ИЛДИЗЛАРНИ ЎРГАНИШ</i>	44
Xolmirzayev Umid Mirzabdullayevich <i>YORUG'LIK OQIMI. YORUG'LIK KUCHI. YORITILGANLIK QONUNI</i>	47
Xusanova Lola Yaxshiboyevna <i>O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA OLMOSH SO'Z TURKUMI TUZILISHIDA O'XSHASHLIK VA TAFOVUTLAR</i>	50
Jumanov Dilmurod Abdumajidovich <i>YOSHLARNING MA'NAVIY HAYOTI VA GLOBALLASHUV</i>	54
Berdimurodova Xumora Abdunazar qizi Berdimurodova Amina Abdunazar qizi <i>INSON QALBINING MUHANDISLARI</i>	57
Кадирова Дилдора Сабирджановна	61



Ибрагимова Д.И.

*Мирзо Улузбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбек филологияси факультети*

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИДА ПРОФЕТОЛОГИК ИЛДИЗЛАРНИ ЎРГАНИШ

Долзарблиги (Relevance). Бизга маълумки, мумтоз адабиётида илк ёзма адабиёт намуналари профетологик хусусиятга эга бўлиб, умумий ном остида “анбиёлар тарихи” деб юритилади.

Ўзбек адабиётшунослигида “анбиёлар тарихи”ни бирбутун тизимга бирлаштириш, набийлар генезисини ягона занжирга боғлаб ўрганишга бағишланган тадқиқот кам учрайди.

Қуръони Карим нозил бўлгандан то бугунги кунгача жуда кўплаб Қуръоний қиссалар асосида пайғамбарлар тарихи ҳақида асарлар ёзилган. Илк асарлар араб тилида бўлса, сўнгра форс тилида ҳам бундай қиссалар пайдо бўла бошлади. Туркий тилда ёзилган, пайғамбарлар қиссаларига асосланган энг махшур асар Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” идир.

Тадқиқотимиз мақсади (The purpose of our study) “Қисаси Рабғузий” асаридаги профетологик унсурларни ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари (Research materials and methods). Мақолада материал сифатида Носириддин Бурхонуддин Рабғузийнинг турли йилларда чоп этилган китобларидан фойдаланилди, хусусан 1991 йилда (буюртма рақами №8005) “Ёзувчи” нашириётида нашр этилган “ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” асаридан фойдаланилди.

Мақолада илмий назарий таҳлил, тарихий қиёслаш, матн талқини, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси (The results obtained and their discussion). Рабғузий асарида жами қиссалар сони 72 та бўлиб, улар Худога ҳамду сано, пайғамбар Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга наъти шариф билан бошланади. Асарнинг пайғамбарлар тарихи акс этган сюжет қатлами Одам Атодан бошланади ва бир қанча пайғамбарларнинг ҳаёт йўли баён қилинади. Асарда манба сифатида Қуръони карим, халқ озаки ижодига оид ривоят ва ҳикоятлар, шунингдек, айрим ўринларда Абу Исҳоқ Нишопурийнинг форсчада битилган “Қисас ул-анбиё” асаридан фойдаланилган.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021"

Маълумки, қадимдан ислом ўлкалари адабиётида пайғамбарлар образига муҳим ўрин берилган. Қуръони карим саҳифаларида ҳам набийлар ҳаётига оид тасвирлар матннинг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Қуръони каримда жами 25 нафар пайғамбар номи қайд этилади: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоий, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зул-Кифл, Юнус, Мусо, Хорун, Шуайб, Илёс, Ал-Ясаъ, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад алайҳиссалом.

Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида ер юзида ўтган жами пайғамбарлар адади тўғрисида муҳим маълумот учрайди. Асардаги “Исҳоқ алайҳиссаломнинг туғилиш қиссаси”да: - Эй Иброҳим, Исмоилни менга топширгил! Ундан Муҳаммад исмлиқ бир пайғамбар чиқаргайман. Агар шу пайғамбарим бўлмаганида эди бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарлар, сен ҳам бўлмагай эдинг. Ҳаммаларини унинг муҳаббати учун яратдим! - деган фармон келди.

Шунингдек, “Нух набий алайҳис салом қиссаси”да Нух кемасида бир юз йигирма тўрт минг темир боғлар қилингани, ҳар бир боғнинг устида бир пайғамбарнинг оти битилгани айтилади. Бундан кўринадики, Носириддин Бурхониддин Рабғузий асарида инсоният тарихида жами 124 минг пайғамбар ўтгани қайд этилади. Улардан 29 нафар пайғамбарлар тарихи асарда батафсил баён этилган: Одам, Шис, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Лут, Яъқуб, Юсуф, Юнус, Мусо, Хорун, Довуд, Ишмуил, Сулаймон, Маҳаҳарқийё, Юнус, Илёс, Жиржис, Лукмон, Узайр, Закариё, Яҳё, Исо, Зулқарнайн ва Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам.

Набийлар рўйхатидаги фарқлар нафақат тарихий-бадиий асарларда, балки илоҳий китоблар орасида ҳам кузатилади. Масалан, Қуръони каримдаги набийлар туркуми Инжил билан умумий персонажларга эга. Шу билан бир қаторда, унда соф арабий, Инжилда учрамайдиган пайғамбарлар номлари ҳам келади, масалан, Худ, Солих, Шуайб...

Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида қуръоний пайғамбарларнинг 84 фоизи кузатилди, Қуръонда номлари келтирилган Айюб алайҳиссалом, Зулкифл алайҳиссалом, Шуайб алайҳиссалом ҳамда Ал-Ясаъ алайҳиссалом қиссалари “Қисаси Рабғузий”да мавжуд эмас.

Манбаларга кўра, Қуръони каримда Айюб 4 маротаба, Зулкифл 2 маротаба, Шуайб 11 маротаба, Ал-Ясаъ 2 маротаба ёдга олинган. Рабғузий асарида тилга олинмаган набийлар Пайғамбарлар шажарасининг қуйи бўғинларидан ўрин олган бўлиб, уларнинг авлодларидан янги пайғамбарлар



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021"

чикмаган. Бу эса алохида қиссаси бўлган тўрт пайғамбарларнинг “Қисаси Рабғузий” да қайд этилмагани сабабларидан бири бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида пайғамбарлар генезиси билан боғлиқ қуйидаги ўзига хосликлар аниқланди:

- “Қисаси Рабғузий” да 21 нафар қуръоний пайғамбарлар ҳаёти ёритилган бўлиб, набийларнинг қиссалари илоҳий манбадан ташқари халқ оғзаки ижоди маълумотлари билан тўлдирилган.

- Қуръони каримда номи келган 4 нафар пайғамбар “Қисаси Рабғузий” да учрамайди. Булар Айюб алайҳиссалом, Зулкифл алайҳиссалом, Шуайб алайҳиссалом ҳамда Ал-Ясаъ алайҳиссалом бўлиб, улар авлодида пайғамбарлик давом этмаган.

- Қуръонда номи келмаган 7 нафар илоҳий ва тарихий шахслар Рабғузий қиссаларида учрайди: Шис алайҳиссалом., Ишмуил алайҳиссалом., Махаҳарқие алайҳиссалом., Жиржис алайҳиссалом., Лукмони раҳимаҳуллоҳ, Узайр алайҳиссалом. ҳамда Зулқарнайн.